
Фанлар академияси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ерга астероид яқинлашаётгани ҳақидаги хабар туфайли бошланган миш-мишларга муносабат билдирди

Шу кунларда Россия телеканали Ер сайёраси томон улкан астероид яқинлашаётгани, у 2019 йил 1 февралда Ерга урилиб, охири замон бўлиши ҳақидаги видео материалларни тарқатганди. Бунинг ортидан одамлар ўртасида қиёмат яқинлашаётгани тўғрисида ваҳима ҳам пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Астрономия институти бу хабарга муносабат билдирди.

«Бу хабар билан танишиб чиққанимиздан сўнг, унинг мутлақо уйдирма экани маълум бўлди. Чунки, 2019 йилда Ерга яқинлашувчи астероидларнинг рўйхати астрономларга аввалдан маълум ва улар мунтазам мониторинг қилиб борилади. 2019 йилнинг апрель ойигача Ерга яқинлашиши кутилаётган астероидларнинг сони 20дан ортиқ бўлиб, уларнинг ўртача яқинлашиш масофаси 5 млн километрни ташкил этади. 2019 йилнинг 1 февралида Ерга яқинлашувчи астероид шу йилнинг январь ойида очилган бўлиб, унга 2019AB2 деб ном берилган. Унинг ўлчами 150-340 метрни ташкил этиб, у Ерга 6 млн километргача яқинлашади. Бунда унинг траекторияси Ерга йўналтирилган чизиққа тик йўналишда бўлади. Астероиднинг Ерга бундай масофада яқинлашуви ва юқоридагича траекторияга эгалиги туфайли у Ерга ҳеч қандай хавф туғдирмайди.



Россия телеканали хабарида «Ерга яқинлашаётган астероид галактикалараро фазодан келмоқда», дейилган. Бу фикр хабар ёлғонлигини кўрсатади. Чунки астероидлар Қуёш тизими аъзолари бўлиб, уларнинг бошқа галакатикаларга алоқаси йўқ», дейилади хабарда.

https://kun.uz/93180897